

Научный вестник Бухарского государственного университета * Scientific reports of Bukhara state University

ISSN 2181-6875

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

2/2018

* ILM VA TA'RIQ FANLAR

Давронов Ш.Ф., Шарипов М.З., Хайитов Д.Э. Исследование свойств феррита-граната $\text{Ba}_2\text{ZrFe}_6\text{O}_{12}$ при температурной спонтерориентационного фазового перехода	2
Нарва С.В., Карпов Ф.К. Стационарные характеристики спонтерориентации монокристаллов TiInS_2	6
Григорьев Г., Зарабов У.И., Шарибаев Н.Ю., Мирзакаримов К.М., Рахмонов Ф.Г., Мирзаев Ж.И. Моделирование температурной зависимости осцилляций Шубникова-де ГаАза в полупроводнике	11
Рахмонов У.Х., Собиров Ш.А. Исследование влияния высокотемпературной обработки на электрофизические свойства и параметры эпитаксиальных структур на основе GaAs	17
Дурдыев У.Д. Задача определения ядер из двумерной системы интегро-дифференциальных уравнений Максвелла	21
Рахмонов К.С., Исабаев И.Б., Атамуратова Т.И. Использование кормовых мучек в качестве субстрата питательной среды пшеничных заквасок в производстве хлеба	27
Жураев Ф.М. Задача типа геллерстедта для вырождающегося нагруженного уравнения парабола-гиперболического типа	33
Narziyev U.Z., Rajabov B.N. Dasturlanuvchi mantiqiy integral sxema imkoniyatlarini boshqarish	40
Jalolova P.M., Abdulazizov B.T. Innovatsion texnologiyalar vositasida atom orbitalarini modellashtirish	44
Атауллаев Ш.Н., Фозилов С.Ф., Мавлонов Ш.Б., Фозилов Х.С. Исследование процесса деструктивной гидрогенизации деасфальтизата тяжелых нефтей в присутствии никель-молибденовых катализаторов	48
Doliyevov B.N. Vitaminlarning inson hayotidagi roli	53
Шамсиев Н.А., Атоева Р.О., Кенжаев О.К. Қорамол катта қорнидаги ҳаэм жараёнига мис ва унинг катион табиатли антогонистларининг яққа ва қўш таъсири	57
* TILSHUNOSLIK	
Бушуй Т.А. Возникновение языкового множества	62
Ragdayeva Z.J., Murtazaeva F.R. Применение инновационных технологий на занятиях литературы	66
Назарова С.А. Суз бирикмаларининг вазифаси ва янги атов бирликлари	70
Бабакулов И.Т. Об изучении систем слово-образовательных категорий (СК) имен существительных русского и узбекского языков	73
Мўминова А.А. Модаллик ва ундаш категорияси: ундаш категориясининг лингвистик макроти	77
Одилова Г.К. Узбек, рус, инглиз гастрономик олам миллий манзарасида "Non" глоттонимининг ўрни	82
Маджидова Р.У. Социолингвистический анализ фразеологических единиц	86
Абдурахманов Ф.И. Дистрибутивный метод в изучении лексико-семантических групп глаголов	90
Raxmatova M.M. Injida "go'zallik" tushunchasi talqini	93
Ботирова А.Э. Суз туркумларининг бирламчи ва иккиламчи вазифалари	97
Попов Д.В. Спорные вопросы периодизации русского литературного языка	102
G'ulomova Sh.Q. Evfemizmning o'rganish tarixi va tasnifi	107
Kadirova N.A. Bichish-tikish hunariga oid o'zbekcha atamalarining inglizcha talqini xususida	112
Ортиқова Х.М. Тил – маданият кўзгуси	116
Сапарова М.Р. Бадий таржимада персонажлар нутқини бериш муаммолари	119
Турдалиева Д.С. Лиссий имкониятларининг бадий воқеаланиши	125
Хасанова О. Қ. "Дунёнинг ишлари" асари фонопоэтикаси (узбек ва немис тилларида)	129
Ro'ziyeva S.H. O'zbek tishunosligida modellashtirishning o'ziga xos xususiyatlari	133
* ADABIYOTSHUNOSLIK	
Ўраева Д.С. Ақодирий романларида жаҳон роман-эпиги аъналарининг ақс этиши	138
Қувватова Д.Х. Садриддин Айний ва ўзбек насри тарихида	142
Ўзиева М.Е. Халқ достонларида оқ қора кўзил ранглар раъзийлиги ҳақида	145
Бердиев Х.Х. «Девону луғотит турк» асаридаги шеърини парчаларда солицизм ҳодисаси	149

Тухсанов Қ.Р. Жалопиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарида аёл образи бадий талқини	153
Давронова Ш.Ф. Тарихий воқелик тасвири: ўзбек ва жаҳон адабий аъналарининг бадий синтези	159
Давронова М.И. Усмон Азим ижодида жанрлар масаласи ва унда услуб бирлиги	163
Мажитова С.Ж. Слова, обозначающие части тела, в газелях Джами	168
Темирова Дж.Х. Приемы и средства сатирической литературы XX века	173
Махмудова Н.С. Хитой адабаси Би Шумин ижодида инсон руҳиятининг ифодаланиши	177
Sayidova R.A., Sayidova L.A. She'riy matnda paradigmatic munosabatlar	181
* NAVOIY GULSHANI	
Эшонқулов Х.П. Ғайр нақшидин ҳамул қул бирла пок этти сипехр	188
* FALSAFA VA HUQUQ	
Абдуллаева Ф.Ш. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг барқарор ривожланиш йўлида	191
Шоев И.Х. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан – мощный импульс для поступательного движения по пути реформирования и модернизации страны	194
Raxmatova M.M. Yoshlar ma'naviy salohiyatini yuksaltirishda o'zini-o'zi boshqarish organlarining o'ri va roli	198
Самадова С.С. "Харакатлар стратегияси" ва миллатлараро тотувлик муаммолари	204
Turdiyev B.S. Ma'naviy yangilanish: yangi qaror va hayotbaxsh ishlohtlar strategiyasi	208
* TARIXSHUNOSLIK	
Наврұзов С., Артиков Х. Вопросы государственного управления Хивинского ханства в востоковедческой литературе конца XIX- начала XX вв (историография проблемы)	214
Ўтаева Ф.Х. Мангит ҳукмдорларининг фаолияти ва шахсияти мустақиллик йилларидаги даврий матбуот талқинида	219
Хайитов Ж.Ш. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда узум янги навларининг тарқалиш тарихи	224
* IQTISODIYOT	
Қаҳҳоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёнини самарали бошқаришга оид назарий ёндашувлар	230
* PEDAGOGIKA	
Ақбаров А.А. Стратегии аргументации и вежливости для усиления языковой компетенции у студентов категории o1/o2, изучающих английский язык как второй иностранный язык	237
Ergashov M.Ya., Ochilova M.K. Umumiy kimyo fanidan moodle tizimida qo'llaniladigan testlar va ulardan foydalanish	244
Салимов Ф.М. 7-10 ёшли болалар жисмоний тарбиясида миллий харақатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари	248
Олимов Л.Я., Остонов Ж.Ш. Эксперт-психолог фаолиятида қиёфа ва визуал психодиагностиканинг аҳамияти	251
Qurbonova O'U. Abu Nasr Forobiyning "Fozil odamlar hahri" asarida ta'lim-tarbiya asallari	257
Ибрагимов М.Б. Бухоро вилояти футбол мактабининг иш тахлили	263
Ибрагимов А.К., Жабборов И.Б. Бошланғич тайёрлов гуруҳларида шуғулланувчи спортчиларнинг чаконлик сифатларини ривожлантиришда харақатли ўйинларнинг ўрни	267
* SAN'ATSHUNOSLIK	
Abdullayev Y.Z. Qadimiy va navqiron Buxoro me'morchiligi	271
Murodov Sh.K., Tashimov N.E., Mamurova D.I. Simmetriya tekisligiga ega bo'lgan ikki sirtning kesishish chizig'ini yasashning analitik usul	274
Gulova A.A. Buxoro me'morchiligidagi minoralar va minorasimon qurilmalarning o'ziga xos jihatlari	278
* QUTLOV	
Эргашов М.Я., Бекова Н.Ж. Собиров Талиб Ўзиевич кутлуг 60 ёшда	282
* XOTIRA	
Рашидов Умар Жураевич	284
* E'LON	
"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари	285-288

3. Давидович Е.А. Денежное хозяйство Средней Азии после монгольского завоевания и реформа Масудбека (XIII в.). – Москва, 1972. – С.37.
4. Наимов Н. Бухоро амирлигининг Санкт-Петербургдаги масжиди //Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2008. – № 4. – Б. 41.
5. Ражабов Қ. Амир Музаффархон шахсияти ёхуд Бухоронинг фожиаси //Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2007. – № 1. – Б. 42-43.
6. Ражабов Қ. Амир Абдулахадхон ёхуд "Ожиз" ҳукмдор //Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2007. – № 2. – Б. 33-36.
7. Тўраев Ҳ.Ҳ. Амир Музаффарнинг Рум султониға мактуби //Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 2016 декабрь. – 2 б.
8. Тўраев Ҳ.Ҳ. Жаҳонгашта қўлёмалар //Бухоронома. – 2001. 11 апрель. – 2 б.
9. Курбанов Ғ.Н. Бухорода пул ислоҳоти //Из истории культурного наследия Бухары. – Бухоро, 2001. – № 4. – Б. 78-84.
10. Курбанов Ғ.Н. Ўрта Осиё араб ёзувидаги муҳрларни туркумлаш асослари //Из истории культурного наследия Бухары. – Бухоро, 2006. – № 10. – Б. 76-82.
11. Курбанов Ғ.Н. Печати и оттиски печатей эмира Музаффара (1860-1885) //Из истории культурного наследия Бухары. – Бухара, 1994. – № 2. – С. 72-80.
12. Ҳайитов Ш. Бухоро амирининг Ялтадаги саройи //Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2017. – № 4. – Б. 34.
13. Ҳайитов Ш. Амир Абдулахадхоннинг Россия империясида қурдирган иншооти //Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2017. – № 1. – Б. 152-155.

УДК 634.8(575.1)/18/19/

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА УЗУМ ЯНГИ НАВЛАРИНИ ТАРҚАЛИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЯ НОВЫХ СОРТОВ ВИНОГРАДА В ТУРКИСТАНЕ В КОНЦЕ XIX- НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

THE HISTORY OF SPREADING OF NEW SORTS OF GRAPES IN TURKISTAN AT THE END OF XIX AND THE BEGINNING OF XX CENTURIES

Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович
БухДУ Тарих кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: деҳқончилик, узумчилик, узумнинг янги навлари, Европа навлари, маҳаллий нав, узум савдоси, ташқи савдо, ток касаллиги, виночилик, ҳосилдорлик, даражаси, узум нархи.

Ключевые слова: земледелие, виноградарство, новые сорта винограда, европейские сорта, местный сорт, торговля виноградом, внешняя торговля, виноградная болезнь, виноделие, уровень плодородия, цена винограда.

Key words: farming, viticulture, new sorts of grapes, European sorts, local sort, grape export, vine disease, winemaking, productivity level, price of grapes.

Ушбу мақолада бирламчи манбалар орқали XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон минтақасида узум меваси янги навларининг тарқалиши ва озиқ-овқат саноати ривожига таъсири масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

В данной статье на основании первичных источников с научной точки зрения исследуются вопросы распространения и развития новых сортов винограда в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX вв.

The article discusses the spreading and development of new kinds of grapes in Turkistan region at the end of XIX and the beginning of XX centuries.

Кириш. Туркистон минтақаси қадимдан ўзининг ширин-шакар мевалари билан жаҳонга машҳур бўлиб, Буюк ипак йўли орқали савдо-сотиқ алоқалари ўрнатилган даврларданок (мил. ав. II аср охиригача - Ж.Ҳ.) Фарғона водийсидан Хитойга

ва бир қатор полиз ҳамда сабзавот экинлари кириб борган. Шунингдек, хитойликлар парваришлаб, узумчилик билан шуғулланиш, боғдорчилик маданияти кабиларни Ўрта Азияликлардан ўрганганлар. Аҳоли миграцияси асрлар давомида узлуксиз юз бериб келганлиги сингари, экинларнинг турларида ҳам "буюк кўчишлар" содир бўлган. Ҳар бир халқ янги экин навларини ўз Ватанида иқлимлаштиришга интиланган ва кўп ҳолларда ушбу ҳаракатлар ижобий натижалар берган. Манбалардан бирида: "Узумнинг ватани Фарбий Кавказ, Қора денгиз бўйлари эмас, балки Ўрта Осиё бўлган, хитойликлар айниқса, II асрдан бошлаб бу ўлкадан узумнинг энг аъло навларини харид қилиб кетардилар. Ёввойи узум тоқлари Шарқий Бухоронинг (ҳозирги Сурхондарё ва Тожикистон Республикаси - Ж.Х.) Ҳисор тоғли ҳудудларида ўсиб, улар новдаси 50-100 метргача бўлганлиги, бундай ёввойи узум навларини Тошкент уездининг Чимён тоғларида ҳам учратиш мумкинлиги эътиборга олинди[10, 12].

Туркистонда маҳаллий узумчилик хўжалиги азалдан ривожланиб, бу соҳада етиштирилган бой тажриба туфайли ундан яхши ҳосил олиш мақсадида халқ орасида "қўлда қўл қил, ёзда чўл қил" деган нақл кенг тарқалган. Узум туплари остига ишлов бериш, ток новдаларини қирқиш, кузда уларни совуқдан асраш мақсадида кўмиш, эрта баҳорда очиб, эгат ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, ҳар қандай касалликларга қарши ток тупларида иммунитетни кучайтиришга қаратилган дори-дармонлар қўллаш, ҳосил мўл берувчи новдаларни алоҳида асраб-авайлаш, узум мевалари қуёшдан баҳра олиш (қуёшни пишиб етилишида ортиқча барг, новдаларни юлиб туриш (халқ орасида хом ток қирқиш - Ж.Х.), холера, замбуруғ каби касалликларга қарши (узум туплари ўн хилдан ортиқ) зарим манбаларда 11 хил, касаллиги аниқланган - Ж.Х.) чорва гўнгини тутатиш каби воситалар қўлланилган.

Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган.

Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган.

Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган.

Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган. Туркистонда узум эгатларининг ариқлари кетмон, белкурак, хуллас, қўл меҳнатига эришилган.

десятина майдонга ёзги ва баҳорги буғдой, 75.864 десятина ерга маккажўхори, 52.15 десятина ерга маҳаллий, 106 десятинага Америка пахтаси экилган ҳолатда, 16.45 десятина ерлар узум боғлари билан банд бўлган. Уша йили Фарғонада оз бўлса-да, 10.55 десятина ерда маҳаллий деҳқонлар картошка ҳам етказишганди[1].

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганидан сўнг (1867) бир йил узум узумнинг янги навлари 1868 йилда хориждан илк бор Тошкент уездига олиб келинди. Бироқ, Европа ва Қримдан олиб келинган узум навларини етиштириб, унинг кўп плантацияларига асос солиш узумчилик маркази Самарқандда амалиётдан ўтказилди. Империянинг Европа қисмидан келган агроном ва селекционерлар, "ҳаваскор деҳқонлар" бир пайтнинг ўзида маҳаллий узум навлари хусусиятларини ўргандилар, ҳамда уларнинг навларни иқлимлаштириб, мўл ҳосил олиш устида фаолият юритдилар. Шунингдек, маҳаллий навлар билан четдан келтирилган узум навларини қиёслаш, уларнинг табиқати ва етиштириш орқали янги навлар яратиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бундан кўзланган мақсад, ўлка иқлимий имкониятларидан фойдаланиб, Россия империяси манфаатларига хизмат қиладиган узумчилик базасида вино, коньяк бошқа турдаги спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз тизимини йўлга қўйиш эди. "Европа навлари етиштириш" Тошкентда тузилиб, Самарқандга тарқалди. Россиядан келган ҳар бир узум боғлари эгасида 25-30 десятина "синов-саноат" боғи бўлиб, уларда ҳам маҳаллий, ҳам Европа навлари парваришланади. Айниқса, А.И.Иванов, ака-ука Первушинлар машҳур бўлиб, улар боғида узумнинг ўнлаб навлари ўстирилиб, мўл-кўл ҳосил олинмоқда. Ўшунинг билан боғларда ишлаётган ёлланма ишчилар тоқларни кесишда, ҳосилдор навларни асрашда, узум эгатларига ишлов беришда етарлича диққат-эътибор қаратмаяптилар" - деб ёзган "Туркистон тўплами"да[9].

Н.И.Иванов исм-шарифи тўпланда бир неча бор қайд қилиниб, у аввал Тошкент уезида 3 десятина ерда узумзор ташкил этганлиги, Қримдан келтирилган янги узум навлари ва маҳаллий навлар (асосан-чарос - Ж.Х.) етиштириб мўл-кўл ҳосил олганлиги, ҳар йили ўз ҳўжалиги ривожига 159 рубль сарфлаши қайд этилган. Шунингдек, И.Иванов узум плантациясидаги тоқларни йилнинг 15 мартдан 1 апрелига қадар очиб, ноябрда кирмасдан совуқдан асраш учун кўмиши, 1 десятинага ишлов берган мардикорларга 20 рубльгача сарфлаши, илк бор кўл меҳнати билан ишлов бериш ўрнига 1 та от қўшиқчи плугдан фойдаланиб, узум эгатларига ишлов берганлиги эътиборга лойиқ. И.Иванов кўп йиллар ушбу машғулот билан шуғулланиб, узумнинг янги навларини иқлимлаштириб, бошқа узумчи боғбонларга тарқатган[2, 3-5].

1868 йилдан бошлаб Туркистонга Европанинг Франция, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларидан Россия империясидаги Қрим, Кавказ, Украина минтақаси ҳудудларидан узумнинг янги навлари келтирила бошланди. Ҳатто, Америка қитъасидан ҳам узум қаламчалари олиб келиниб, иқлимлаштирилди. Европадан илк бор кириб келган узум навларидан бири "лозь" - деб номланиб, 1888 йилдан бошлаб унинг новдалари минтақадаги юзлаб боғбонларга тарқатилди ва сотилди. XX аср бошларида Самарқанд вилояти уездларида 50 десятина ер майдонида узумнинг Қора Птивердо, Франк-Изабелла, Каберно-Савиньон, Оқ шампань, Рислинг, Сотернь, О-Порто, Малавази, Мальвази, Лакрима-христи, Оқ мускат каби чет элдан келтирилган навлар парваришланиб, боғбонларни қониқтирадиган меъёрда ҳосил олинган[4]. XIX аср охирида Туркистонга Ширвон (Озарбайжон - Ж.Х.) дан келтирилган "Қора Ширвон" номли нави ҳам кенг тарқалиб, унинг минглаб новдалари (кўчатлари) Боку губерниясида "Матрос" деб номланган арман қишлоғидан олиб келинган. Шу сабабли бу узум "Матрос" - деб ҳам аталган. "Матрос" нави совуққа чидамлилиги, замбуруғ ва ҳолат касалликларга иммунитетини кучлилиги, ҳар бир десятина ердан олинган ҳосилидан 600-700 челақ (1 челақ - 12-15 литр - Ж.Х.) сифатли вино олиш мумкинлиги каби хусусиятлари билан Европа навлари ҳисобланган Мерло, Гренашь, Мурведь кабилардан устун келган Жанубий Қримдан олиб келинган Пино-Франь, (Франция) Бордодан келтирилган Каберно-Савиньон, Каберно-Франь, Карменера, Мерло, Вердо, Молебек, Шампандан (Франция) келтирилган Пино-Франь, Пино-Гри, Нино-Блань, Алигата каби узум навлари ҳосилдорликда, виносининг таъми ва ранги жозибадорлигида "Матрос" билан баҳс олмайди" - деб ёзади "Туркистон тўплами"[7].

Узумчилик масалалари устида кузатишлар олиб борган А.Пулло Европа навларидан Омернь, Лафить, Кабирно-Савиньон, Педро-Химменесь, Оporto, Сапперани, Александрия мускати, Оқ, қизил, қора мускат каби навларни маҳаллий "Чарос" узум нави билан қиёслайди. Узум навлари орасида Чарос бир йилда новда чиқариб, иккинчи йилда ҳосилга киради. Европа навларининг айримлари 5 йилда ҳосил беради. Чарос новдалари 1 йилда 7 ва 8 аршин ўсади, Европа навларининг новдалари эса сал секин ўсади. Бироқ, Европа узум навларининг маҳаллий навлардан афзалликлари қуйида кўрсатилиб:

- 1) Маҳаллий узум навлари тез ва 11 хил касалликка чалинади. Европа навлари 3-4 йилда хлороз касаллигига чалиниши мумкин, уни даволаса бўлади.
- 2) Европа навларининг ҳосилдорлик даражаси маҳаллий навларга нисбатан юқори бўлиб, 1-йил ҳосилдорлик паст бўлса, 3-йили асл ҳолатига қайтади. Маҳаллий навларда 5-6 йил бу жараён давом этиб, 1892 йилда Тошкент уездида ҳосилдорлик юқори бўлган ҳолда 1898 йилда шу даража қайд этилган.
- 3) Оporto, Оқ, Қора, Қизил мускат кабилар совуқ таъсирга чидамли, совуқ таъсир бўлса ҳам ҳосилдорлиги сезиларли пасаймайди. Маҳаллий навлар совуққа берилувчан, Европа навларидан Александр мускати, Модера ва Широнда ҳам совуққа чидамсиз.
- 4) Европа навларидан аъло нави вино ва коньяк олиш мумкин. Айниқса, Оқ мускат, Бордо, Сотернь навларидан олинган вино, маҳаллий навлар ҳисобланган Буваки, Чарос кабилар виносидан ҳам аъло.
- 5) Санкт-Петербург, Троицк, Ишем, Нижний-Новгород ярмаркаларида Европа ва Қрим, Кавказ навларининг узум ва майизлари маҳаллий навлардан юқори баҳоланади (қуритилган кишмиш бундан мустасно - Ж.Ҳ.) 9].

Узумнинг янги навларини иқлимлаштиришда барча ҳаваскор-боғбонлар ҳам қутилган натижага эришмай, айрим навлар маҳаллий шароитда узум бошларидаги доналари кичрайиб, таъми нордонлашиб қолган, айримларининг ҳосилдорлик даражаси жуда пасайиб кетган. Ярмаркаларда "Тошкент боғбонлари" Иванов ва Первушин, "самарқандлик боғбон" Филлиповлар узумчилик соҳасида юқори натижаларга эришганлиги қайд этилиб, улар муносиб тақдирланган[4]. Шунингдек, узум плантациялари (боғлари)га эга бўлган Д.Л.Филатов ва Р.С. Пороховскийлар Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Сапперани (Махетаний-Ж.Ҳ.) мускат, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла каби 20 га яқин қора ва оқ узум турларидан Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг, Оқ мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланнинг ўнга яқин навларини парваришлаб, уларни аъло, яхши, ўрта, ёмон яъни тўрт номинацияда аниқлаб беришда катта хизмат қилдилар[7].

Узум навларини яратишда маҳаллий навлар билан Европа, Қрим, Кавказ, Америкадан келтирилган навларни ҳамда ёввойи узум навлари билан маҳаллий ва Европа навларини чатиштириш билан боғлиқ селекция ишлари олиб борилган. Айниқса, 1907-1910 йилларда бу жиҳатга эътибор кучайиб, манзарали дарахтлар билан бирга "Бегнона" ёввойи узум нави билан маҳаллийлаштирилган навлар чатиштирилиб, янги узум навлари яратилган [6].

Туркистон минтақасида кескин континентал иқлим (Ўзбекистонда - Ж.Ҳ.) шароитида ўрта иссиқ, қиш совуқ келиши, ҳаво оқимида кескин ўзгаришлар юз бериши каби факторлар туфайли узум новдаларининг касалланиши (энг кўп тарқалган касалликлар: антракноз, пера, замбуруғ, занг - Ж.Ҳ.) ёхуд ҳосилсизлик тез-тез такрорланиб турган. Жумладан, 1907 йил тошкентлик боғбонлар учун об-ҳаво ноқулай келиб, ўша йилнинг 13 апрель ва 15 май ойи бошларида қор ёғади. Рус боғбонлари тоқларини очишганди, маҳаллий боғбонлар эса узум кўчатларини тупроқ ва гўнг билан кўмиб қўйишган. Шу сабабли рус боғбонларида ҳосилдорлик жуда паст бўлди" - деб ёзади "Туркистон тўплами"[2]. Ёхуд ёзда чанг, тўзон ва гармсель (танани куйдирувчи иссиқ шамол - Ж.Ҳ.) эсиши натижасида тоқ барглари қуриб, сарғайиб қолиши, бу эса ҳосил миқдори ва сифатига таъсир кўрсатиши, узум ҳосили пишиб етилганда уни қуш ва бошқа ҳайвонлардан сақлаш ("ҳатто ит ҳам узум ҳосили" - деган фикр бор) муаммолари боғбонларни безовта қилиб турган.

XIX асрнинг сўнги ўн йилликларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларида узум майдонлари гоҳ кенгайиб, гоҳ камайиб кетган. 1886-1896 йилларда (ўн йил давомида) ўртача ҳар йили ушбу вилоятларга 544 десятина узум плантацияларида ўртача 5.558.344 пуд узум етиштирилган.

Самарқанд вилоятининг ўзида 1892 йилда 2 млн пуд миқдорда узум йиғиштириб олинган. Сиёб, Маҳалла Хўжа Аҳрор, Ургут, Янги Кўрғон, Ангор волостларида узумнинг йиғиш плантациялари бўлган[9].

Ҳосилдорлик даражасида ҳам узумчиликда Россия империяси вилоятлари орасида Туркистон, асосан Самарқанд боғбонлари юқори натижаларга эришганлар. Россиянинг Дон вилоятида 1 туп тоқдан 2 пудгача 1 десятинадан эса 150 пуддан 400 пудгача Бессарабия губерниясида (Молдавия-Ж.Ҳ.) 105-237 пуд, Астраханда - 215 пуд, Кахетия (Кавказ) 200-400 пуд атрофида ҳосил олинган. 1893 йилда Ереван (Арманистон) да 5 борда энг юқори натижага эришилиб, 1 десятина майдондан 2000 пуд узум ҳосил олинган. Самарқанд области узумчи боғбонлари Дон, Бессарабия ва кавказ вилоятларида касбдошларидан ҳам юқори натижага эришиб, 1 десятина ердан 2251 пудгача ҳосил олинган. 29 фунт майдондаги тоқ тупларидан 3 пуд узум йиғиштиришга муваффақ бўлишган. Бу бир десятина ердан 2000 пуддан ортиқ ҳосилдорликка эришиш Европа-Қрим ва Кавказ вилоятларидан келтирилган узумнинг Лозь, Стернь, Саперази (Кауста), Рислинг, Гренаж, Птиверда, Мускат, Пино, Америка нави ҳисобланган Изабелла кабиларда ҳам кузатилади. Туркистон ўлкасидаги рус қишлоқларида XIX аср охирида 15.500 десятина узумзорлар бўлган эди. Самарқанд вилоятининг Самарқанд уездида Лозь узум навида кузатиладиган замбуруғ, оидиум, антракноз, мильдиум каби касалликларга қарши муваффақиятли кураш натижасида ҳар бир десятина ердан 1500-2000 пуд узум ҳосили олинган.

1894 йилда Самарқанд вилоятида 6.261.000 пуд узум йиғиштирилиб, ҳосилнинг 94,7 фоизи ҳўл мева сифатида истеъмол учун сотилган, шундан 334.243 пуди вино қилинган (5,3 фоиз - Ж.Ҳ.)[9]. Кўрсатилган йилда бутун Ўрта Осиё бўйича 11 млн. пуд узум йиғиштириб олинган. Самарқанд узуми, жами узум ҳосилининг 52-53 фоизини ташкил қилиши, бу борада ушбу вилоят етакчилигини кўрсатадиган кўзгудир.

Узумчилик хўжалигининг Туркистонда юксалиши, янги навлар жорийланиши натижасида минтақада етиштирилган маҳсулотни Россиянинг Европа қисмига ва хориққа экспорт қилишни кенгайтиришида муҳим омил бўлди.

Узум юкланган туя, от, хачир каби ишчи ҳайвонлари ҳамда темир йўл орқали узум ҳосили Россияга олиб кетилган. XIX аср 2-ярмида ҳар йили "қирғизлар йўли" Самарқанддан Троицк ярмаркасига ёз ойларида 10.000 туя, жами: 180 минг пуд кишмиш ва бошқа товарлар олиб чиқиларди. Ҳар бир туяга юкланган 18 пуд юк учун қирғизлар 12 рублдан 16 рублгача олишган. Шунингдек, 1892 йилда Каспий орти темир йўли орқали Россия ва Европага 412.000 пуд кишмиш жўнатилиб, унинг 285.566 пуди Самарқанд узуми бўлган. Тоқ тупидан узилган ҳолда узатилган ҳўл узум миқдори 3.000 пуд, узум вноси 66.838 пуд, Самарқанд узумидан қилинган вино 14.979 пуд Россияга чиқарилган узум ва узум вноси 1888 йилда 70.597 пуд бўлса, кейинчалик 5 йил давомида 5 марта ошди. 1892-1893 йилларда 451.018 пудни ташкил этган ва узум консерваланган ҳолда ҳам экспорт қилинган. Россия империяси "боғбонлар уюшмаси" Туркистондаги рус волость ва қишлоқларида узум плантацияларини кенгайтириш орқали экспортни оширишга ҳаракат қилган[10].

Бухоро амирлигига қарашли Қарши, Шаҳрисабз, Ургут бекликларида етиштирилган узум ҳосили Троицк ярмаркасига, ундан Сибирь худудида жойлашган Челябинск, Ишим, Тобольск ярмаркаларига узатиларди. Хўжанддан Сирдарё бўйлаб Казалинскга туяларда келтирилган узум ва қуритилган кишмиш Жанубий Россия шаҳарлари бўйлаб тарқатилган. Каспий орти темир йўлидан Узун станцияси орқали 1890 йилда 1.879.000 пуд, 1891 йилда 2.592.000 пуд, 1892 йилда 4.516.000 пуд узум Россиянинг Европа қисмига жўнатирилган [10].

Қаршида етиштирилган узум аввал Варшава (Польша) га экспорт қилиниб, Франция савдо компаниялари Туркистон кишмишини у ердан сотиб олиб, ундан олий сифатли коньяк тайёрлашган. Франциядан хуштаъм коньяк сотиб оладиган Россия ушбу ичимлик Туркистон узумидан тайёрланганини тасаввур ҳам қилмаган. Тошкент, Фарғона шаҳарлари темир йўллар билан боғланганидан сўнг ҳамма кишмиш Россияга келадиган бўлди" - деб ёзилган, "Туркистон тўплами"да[10].

XX аср дастлабки ўн йиллигида Туркистондан Россияга ҳўл мева чиқариш ошди. 1907 йилда 1906 йилга нисбатан ҳўл мева чиқариш 136,31 фоиз, узум экспорт қилиш эса 241,03 фоиз ўсган, аксинча қуруқ мева чиқариш 22 фоиз пасайган 100 фоизга нисбатан

хўл мевалар 34,92 фоиздан 38,55 фоизга ошган ҳолда, узумнинг салмоғи 30,64 48,77 фоизга кўтарилган[3]. Юқоридаги рақамлар узум етиштиришда ҳосил янги навлар ҳисобидан доимо кўпайиб борганлигидан далолат беради. Хуллас, ташқи савдода узум ва майизга эҳтиёж ошиб борган, минтақада узумнинг навлари навлар ҳисобидан 3 баробарга ошган (60 тадан ортиқ нав - Ж.Ҳ.).

Россия мустамлакачилиги сиёсатида Туркистонда узумчилик соҳасини тараққий қилдириш ҳисобидан четдан сотиб олинадиган спиртли ичимликлар (вино, коньяк, ароқ - К.Ҳ.) га кетадиган харажатни камайтириш, истиқболда сифатли, олий навли вино ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш орқали фойда олиш режалари ҳам мавжуд эди.

XIX асрнинг 80 йилларида ҳар йили "рус боғбонлари" шахсий хўжалигида етиштирилган Матрос, Изабелла, Сотернь, Оқ мускат, Қизил Мускат, О-Порто, Рислинг каби янги узум навларининг 1 десятина ер ҳосилидан 15.000 челақча - Ж.Ҳ.) ишлаб чиқардилар: "Рус виноси" Париж (1893 йил; Антверпёнь (1894 йил - Ж.Ҳ.); Шампань (1896 йил - Ж.Ҳ.) ярмаркаларида мукофотга сазовор бўлди. Рус тадбиркорлари узумдан ароқ ишлаб чиқара бошлаган[4].

Ўлкада олий сифатли қизил вино ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, Европадан келтирилган Каберно Савельон, Соперовки, "Матрос" (Қора ширвон) ҳамда маҳаллий қора шишмиш, Чарос, Чиллаки, Қора хусайни кабилардан ошхона черков, десерт (сархил), сони уч навдаги винолар тайёрланган[7].

Мерло, Гренажь, Мурвед янги узум навларидан тайёрланган қизил ва оқ винолар ҳам ҳозир баҳоланган, 1 десятина ердан олинган узум ҳосилидан 500 челақдан 700 челақча узум виноси олинган.

Туркистонда етиштирилган вино ичимлигини Тошкент вокзали орқали четга жўнатиш 1906 йилда 8.071 пуд (85,73 фоиз)ни, 1907 йилда 97.490 пуд (134,77 фоиз)ни ташкил этди. Икки йил давомида экспортдаги ўсиш суръати 114,96 фоизни ташкил этади[3]. Йилнинг 15 июлидан 15 сентябригача ўлкада узум мавсуми бўлиб, ҳар бир вагонга 300 пудгача узум юритилган. 1907 йилда икки ойлик мавсум давомида бир суткада 2 тадан вагонга эҳтиёж бўлиб, жами: 120 та вагон талаб қилинганлиги манбаларда қайд этилган[5].

Хуллас, XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон ўлкасига узумнинг 40 дан ортиқ янги навлари кириб келди ва иқлимлаштирилди. Узум навлари Россия империясининг Кавказ минтақаларидан, Европа мамлакатларидан ҳамда Америкадан Изабелла сортимизга олиб келинди. Узум навларининг сони ўша пайтда 60 тадан ортиқ бўлса, ҳозирда 175 нави етиштирилмоқда[11].

Узумчиликни илмий асосда йўлга қўйиш, унинг асосида виночилик саноатини тараққийлатиш борасида олиб борилган ишлар қўтилган натижаларни берган бўлсада, ҳозирча иқтисодий имкониятлар марказ манфаатига бўйсундирилганди.

АДАБИЁТЛАР

- Александр Дмоховский. Об ирригации в Ферганской области //Туркестанский сборник. – Т.461. – С. 152-161.
- Вербов. Несколько слов о наших виноградниках //Туркестанский сборник. – Т.467. – С. 3-5.
- Вывоз сушеных фруктов и виноградного вина //Туркестанский сборник. – Т. 536. – С. 270-276.
- Виноделие в Туркестане//Туркестанский сборник. – Т. 522. – С. 169-171.
- Известия о деятельности Туркестанского общества сельского хозяйства //Туркестанский сборник. – Т. 500. – С. 17-18.
- Комаров В. Краткие сведения о полезных растениях, встречающихся дико в горной стране верхнего Зерафшана //Туркестанский сборник. – Т.525. – С. 187-190.
- Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области//Туркестанский сборник. – Т. 525. – С.177-183.
- По поводу Туркестанских красных вин //Туркестанский сборник. – Т.542. – С. 510-514.
- Пулло О. К вопросу о винограде //Туркестанский сборник. – Т.467. – С. 58-60.
- Мусофир. Среднеазиатское виноградарство //Туркестанский сборник. – Т. 433. – С. 9-14.
- Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари музокирадаги халқаро конференция //Ватанпарвар, 2017 йил, 13 июнь.



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ

МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

2018 №3



ПАНҶАКЕНТ 2018 / WWW.DOTPAIJ.TJ